



# XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 23-oktabr, payshanba, 42 (570)-son

e-mail: xxi\_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

**22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди**

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Бюджетномаси — Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.Азимов ҳамда Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси Б.Иминов маъруза қилдилар.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати — 2015 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишлари асосида ишлаб чиқилган.

Тақдим этилган лойиҳалар иқтисодиётнинг изчил ўсишига, иқтисодий барқарорлик ҳамда экспорт ўсишининг мувозанатлаштирилган кўрсаткичларини сақлаб қолишга, ташқи савдо тўлов балансининг ижобий сальдосини таъминлашга, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилгандир. 2015 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, уни техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кенгайтириш, шунингдек, йўл-транспорт ҳамда муҳандислик-коммуникация инфраструктурасини жадал ривожлантириш дастурларини фаол амалга оширишни давом эттириш назарда тутилган.

Келгуси йилги ялпи ички маҳсулотнинг 8,3 фоизга, саноат ишлаб чиқариш маҳсулотининг 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 6 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажмининг 9,6 фоизга ўсиши назарда тутилмоқда.

Мажлисда таъкидландики, 2014 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси 2015 йилги Бюджетномани шакллантириш учун асосий ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилди, унинг нормалари ва қоидалари Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

2015 йилда солиқ юкни янада камайтириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини рағбатлантириш, бюджет тизимининг мувозанатлаштирилишини таъминлаш, бюджет йўналишидаги давлат дастурларидан фойдаланишни кенгайтириш орқали бюджет маблағларини сарфлаш самарадорлигини ошириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантиришга, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бир вақтнинг ўзида аҳоли даромадлари, жамғармалари ва харид қувватини ўстиришга қаратилган йўлни давом эттириш ҳамда бошқа чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

2015 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қатор қўмиталарининг йиғилишларида Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакиллари иштирокида олдиндан муҳокама қилинди. Йиғилишлар чоғида асосий молиявий ҳужжатнинг сўзсиз ижро этилиши юзасидан амалий таклифлар билдирилди.

Савол-жавоблардан сўнг мамлакатимизнинг 2015 йилги Давлат бюджети лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди. Муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданиятни ва жамиятимиз ҳаётининг бошқа жабҳаларини ривожлантириш дастурлари ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши муҳимлигини таъкидладилар.

**Чунончи. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар таъкидлаганларидек, мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан янада ислох қилиш ва модернизациялаш, энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мувозанатлаштирилганини сақлаб қолиш, 2014 йилги иқтисодий дастур йўналишлари ва устуворликларни ҳисобга иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлайдиган стратегияни давом эттириш юзасидан Ўзбекистонда кенг қўламада зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси жорий йил учун белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга муваффақиятли эришишга, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ижро этишга хизмат қилади.**



Солиқ ЗОИР олган суратлар

## Мукаммал солиқ ва бюджет сиёсати мулкдорлар фаолиятининг кафолатидир

**О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилиши «2015 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари» ҳамда «2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури» лойиҳаларининг муҳокамага бағишланди**

Унда молия вазирининг ўринбосари Мубин Мирзаев сўзга чиқиб, келгуси йилга мўлжалланган солиқ сиёсати аввалги йиллардаги каби хўжалик субъектлари ва энг асосийси, аҳоли учун солиқ юкни янада камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, хўжалик субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва меҳнатни рағбатлантиришнинг қўшимча манбаларини яратиш мақсадида даромад солигининг базавий ставкасини 7,5 фо-

изгача пасайтириш таклиф этилмоқда. Агар ушбу таклиф тўла қўллаб-қувватланса, қўшимча 89,4 млрд. сўмни хўжалик субъектларининг ўзидан қолдириш имкони вужудга келади. Қизгин баҳс-мунозара, савол-жавоб ҳамда иштирокчиларнинг мавзу юзасидан аниқ таклиф ва та-

сиялари асосида ўтган йиғилишда микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер хўжаликлари учун ижтимоий тўловларни амалдаги 25 фоиздан 15 фоизга пасайтириш масаласи О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг диққат марказидаги муҳим мавзуга айланди.

2

## «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун»

**тамойилини ҳаётга татбиқ этишда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликнинг сезиларли улуши бор**



— **Дилшод Шавкатович, жорий йилнинг 21 декабрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашига бўлиб ўтадиган сайловда О'zLiDeP иштиракига Марказий сайлов комиссияси томонидан рухсат берилди. Бугун жойларда партия съездига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Куни кеча**

**«XXI asr» газетаси мухбири саволларига О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод ШОУМАРОВ жавоб беради**

О'zLiDeP Тошкент шаҳар партия ташкилотининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Унда сиз, хусусан, мулк ва мулкрий муносабатлар борасидаги ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда фаол иштирок этиш партияимизнинг энг муҳим устувор вазифалари сирасига киришини таъкидлаб ўтдингиз. Бунинг сабаби нимада?

— Ушбу масалага айнан О'zLiDePнинг алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас, албатта. Зеро, ҳар бир давлат ва жамиятнинг бугуни ҳам, келажиги ҳам ушбу масаланинг қандай ҳал қилинишига боғлиқ. Тadbirkorларнинг, мулк эгалари бўлган ўрта синф вакилларининг мамлакат сиёсий саҳнасидаги қириб келиши ҳам Юртбошимиз истиклолнинг биринчи кунлариданок мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиёт тар-

кибида давлат, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглиги эътироф этилиши баробарида хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, тadbirkorликка кенг йўл бериш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келаётганликлар билан чамбарчас боғлиқ. Мазкур масалалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қўллаб қонун ҳужжатларида ўзининг самарали ҳуқуқий ечимини топмоқда. Буни мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, Президентимиз Концепциясининг ҳаётга босқичма-босқич жорий этилишидан энг кўп манфаатдор, давлатимиз ва халқимизнинг суянчи ва таянчи бўлган тadbirkorларимиз ҳам мамнуният билан таъкидламоқдалар.

2

## ПараоСИЁ – 2014

### Паралимпиячиларимизнинг медаллари

Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида давом этаётган ПараоСИЁ уйинларида дзюдочиларимиз Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига навбатдаги медалларни тақдим этди. Вазни 90 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида қатнашган Шухрат Бобоев финалда япониялик Арамацу Китазонони, 100 килограмдан ортиқ вазнда беллашган Одил Тулендибоев эронлик Ҳамза Надрини мағлубиятга учратди. 100 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида яна бир дзюдочимиз Ширин Шарипов мусобақанинг бронза медалини қўлга киритди. Мусобақанинг қизлар ўртасидаги баҳсида Гулрух Раҳимова 70 килограмм вазн тоифасида қумуш медаль соҳибасига айланди. Шу тариқа делегациямиз аъзолари 18 олтин, 3 қумуш ва 2 бронза медаль билан мусобақада умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринда бормоқда. (ЎЗА).

**ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI, HALQ DEPUTATLARI VILOYAT, TUMAN VA SHAHAR KENGAHLARI SAYLOVIGA**

**58 Кун қолди**

### АНИҚ САВОЛГА

— Мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари қайси органнинг кўрсатмасига асосан ва ким томонидан тузилади?

— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида белгилаб қўйилганидек, ваколатхоналар ҳузуридаги сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил қилинади.

### АНИҚ ЖАВОБ

**БУГУНГИ СОНДА:**

**ЖАРАЁН**  
«Илк бор сайловда қатнашман» 4

**ҚУЙИ БЎГИНЛАРДА**  
Амалий ишлар партияси 5

**ИҚТИСОДИЁТ**  
Электрон савдо: Изланиш ва самара 6

**ХАЛҚАРО ҲАЁТ**  
Тез мослашувчан ва яшовчан сектор 7

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI AXBOROTI  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 21 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

1 Австралия доллари	2087,04	1 АҚШ доллари	2379,75	1 Хитой юани	388,61	1 Туркия лираси	1059,60	10 Япония иенаси	221,74
1 Англия фунт стерлинги	3832,11	1 Миср фунти	332,83	1 Малайзия рингити	727,20	1 Швейцария франки	2514,00	1 Россия рубли	57,96
1 Дания кронаси	407,71	1 Исландия кронаси	19,82	1 Польша злотийси	719,98	1 ЕВРО	3016,81	1 Украина гривнаси	183,75
1 БАА дирҳами	647,90	1 Канада доллари	2112,52	1 СДР	3556,39	10 Жанубий Корея воени	22,45		

# МУНОСАБАТ

## «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун»

Тамойилини ҳаётга татбиқ этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг сезиларли улуши бор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Табийки, ушбу ижтимоий қатламнинг манфаатини фоида этакдан О'zLiDePнинг 2009 йилдаги Сайловолди платформасида ҳам хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш масалалари устувор вазифалар сирасига киритилган. «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинишида О'zLiDeP фракцияси аъзолари ташаббускор бўлганининг боиси айнан шунда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг ўзида ушбу қонун лойиҳасини тадбиркорлар ва ишбилармонлар иштирокида кенг муҳокама этиш мақсадида «Тадбиркорлар мулоқот форуми» ташкиллаштирилиб, унда 22 мингдан зиёд электротар вакили иштирок этди. Тадбиркорлар томонидан билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар партиясининг парламентдаги фракцияси аъзолари томонидан умумлаштирилиб, уларнинг аксарияти қонун қабул қилиниши жараёнида инобатга олинди. Энг муҳими, мазкур қонун билан хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишга ҳуқуқий тўсиқ қўйилди. Бу эса миллионлаб мулкдорларнинг ўз мулки, унинг дахлсизлигига бўлган ишончини мустаҳкамлади. Ўз навбатида, бу қонун давлат ҳокимияти органлари билан маълум бир низолаб юзага келган пайтда судларда тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги тамойилини мустаҳкамлаб қўйди.

Бундан ташқари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан хусусий мулк дахлсизлиги ҳамда хусусийлаштириш борасидаги қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини ўрганиш бўйича назорат-таҳлил ишлари олиб борилди. Уларнинг натижасига кўра депутатлик гуруҳининг иккита мажлисида Тошкент шаҳар ҳокимининг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлигининг ахборотлари тингланиб, мулкдорлар манфаатларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш борасидаги қарорлар қабул қилинди.

Оқорида қайд этилган масалаларнинг партиямиз ва умуман жамиятимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, О'zLiDeP олдимизда турган сайловолди ва сайловдан кейинги давр учун ҳам хусусий мулкнинг ривожланиши йўлидаги барча говларни бартараф этиш, орқича бюрократик тўсиқларни йўқ қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини ошириш борасида қатор аниқ вазифаларни белгилаб олган. О'zLiDeP сайловга салоҳиятли, ташкилотчилик тажрибасига эга, авваламбор, ўз меҳнати, иродаси ва куч-ғайрати билан фаровонликка эришадиган номзодлар билан кириб келмоқда. Улар электротаримнинг тўғридан-тўғри иштироки билан О'zLiDePнинг қундалик ва парламент фаолиятида ушбу масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор беришлари зарур, деб биламиз.

— **Ишбилармон инсон ҳамда О'zLiDeP вакили сифатида партия томонидан тадбиркорлар эркинлигини таъминлаш учун иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий шароит ва кафолатлар яратилиши, ўрта синф фаолиятининг ҳар томонлама рағбатлантирилиши борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонлари ушбу масалаларни ечишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, фракциямиз аъзолари ташаббуси билан «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги низоҳатда муҳим қонунлар қабул қилинганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Ушбу қонун ҳужжатлари ва улар асосида соҳада амалга оширилган тизимли ишлар натижаси ўлароқ мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч нуқтасига айланган хусусий сектор янада жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» рейтингининг 2014 йилда яна 10 поғона кўтарилди. Айни пайтда бу борадаги кўрсаткичлар кичик бизнес субъектларини рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича 66, кредитлашда эса 24 поғонага кўтарилганини қайд этиш зарур.

Бу борада О'zLiDeP ўз ҳамкорлари, авваламбор, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда қатор истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Партиясининг халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашиларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан ижро этилувчи ҳокимият раҳбарларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳити яратиш, улар фаолиятига давлат органларининг ноқонуний аралашувиغا йўл қўймасликка доир муҳим масалалар бўйича 300 дан ортқ ахбороти тингланди.

**Бир тадбиркор сифатида шунга айтишим мумкинки, глобаллашув шароитида жаҳонда молиявий-иқтисодий кризис давом этаётган бир пайтда бизнинг юрти-мизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қатор имтиёзлар ва преференциялар берилди.**

Охириги 10 йилда кичик корхоналарнинг айланма маблағидан олинмаган солиқ тўлови ставкаси 13 фоиздан 5 фоизга тушди. Халқ амалий санъати ва оилавий бизнес субъектлари фақатгина энг кам солиқ ставкаси бўйича солиққа тортилиб, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар 5-7 йил муддатга солиқдан озод этилди. Бу — тадбиркорларнинг ихтиёрида қолган катта маблағлар ҳисобидан соҳага янги технологиялар кириб келиши, иқтисодиётнинг энг муҳим бўғини — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал суръатлар билан ривожланиши, демекдир.

Шу ўринда 2014 йилнинг тўққиз ойида 6,1 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъекти ташкил этилганини айтиб ўтиш жоиз. Жорий йилнинг биринчи ярмида хусусий сектор вакилларига 25,5 миллиард сўмлик давлат активлари сотилиб, фойдаланилмаётган 19,4 мингта давлат мулки ижарага берилди. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектларининг умумий сони 220 мингтага яқинлашган бўлса, шундан 21 фоизи саноат, 10 фоизи қурилиш соҳасида фаолият кўрсатмоқда.

Асосийси, фақатгина 2014 йилнинг ўзида саноат соҳасидаги кичик бизнес субъектлари сони 6 фоиз, қурилишда эса 5 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг 23 фоиздан орттиги, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт соҳасида банд бўлганларнинг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда. Хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 2000 йилдаги 31 фоизга нисбатан бугун 55,8 фоизга етди.

Мана, бир мисол. Бир пайтлар пойтахтимизнинг Учтепа туманида ҳеч қандай қулайликларга эга бўлмаган жойда юртдошларимиз турли буюмлар, қурилиш материаллари, эски темир-терсақлар сотиб, кун кўришарди. Давлатимиз томонидан тадбиркорликка кенг им-

коният ва имтиёзлар берилганидан кейин ана шу ҳудудда замонавий бизнес маркази ташкил этилди.

Айни пайтда кўплаб кичик бизнес эгалари мазкур марказ атрофида бирлашиб, турли маҳсулотлар, хусусан, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқармоқдалар. Уларнинг бизнеси кундан-кунга ривожланипти.

Жуда кўп юртдошларимиз мамлакатимизда қурилиш саноати янада ривожлантиришга оид қатор фармон ва қарорлар қабул қилингани минг-минглаб янги иш ўринлари ташкил этиш, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилганини таъкидламоқдалар. Чиндан ҳам ушбу соҳа ривожлантирилиши замонавий уй-жойлар қуриш, охир-оқибатда эса аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугун шохиди бўлаётганимиз — улкан бунёдкорлик ишлари, айниқса, қишлоқ жойларда барпо этилаётган замонавий уйлар, кўркам иншоотлар Президентининг томонидан қурилиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган катта эътибор маҳсулидир, десак адашмаймиз. Мазкур тармоқдаги ўзгаришлар қишлоққа саноатнинг кириб келиши баробарида маҳаллий инфратузилма тараққиётига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

«Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун» тамойилини ҳаётга татбиқ этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг сезиларли улуши борлигидан фахрланамиз. Энг муҳими, ана шундай ўзгаришлар тадбиркорларимизнинг онг шу урида ҳам ўз аксини топмоқда.

Ислоҳотлар натижасидан нафақат партиямиз электорати, балки аҳоли кенг қатламлари манфаатдор эканлигига жойлардаги учрашувлар, конференциялар, партиясининг сайловда иштирокини таъминлаш учун аҳолидан имзолар тўплаш жараёнида ҳам гувоҳ бўлдим. Гарчи 243 минг аъзоси бўлган О'zLiDeP учун қонунда белги-ланган 40 минг имзони тўплаш қийинчилик туғдирмаган бўлса-да, партия аъзоси бўлмаган ёшлар ва тадбиркор опа-сингилларимизнинг либерал-демократик ғояларни қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этганлари юртдошларимизнинг давлат ва жамият ҳаётининг барча баҳалларини эркинлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватлаётганидан далолат беради.

Шундай экан, биз барча куч ва имкониятларимизни, ғайратимизни Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши, тадбиркорларимиз ва ишбилармонларимизни ушбу мақсадлар атрофида жиқлаштиришга қаратишимиз зарур. О'zLiDeP сайлов кампаниясига киришар экан, юқоридаги кўрсаткичларни атрофича таҳлил этиб, 2020 йилгача соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш вазифаси хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини жадал ошириб боришга доир аниқ амалий тақлифларни Сайловолди платформасига киритишни мўлжалламоқда.

Шу билан бирга, биз бажарилган ишлар билан ҳаволаниб қолмасдан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш борасидаги ишларини янада жонлантиришни бугунги куннинг ўзи, ислоҳотларимиздан энг кўп манфаатдор бўлган электротаримиз вакиллари талаб қилмоқда. Шунини инобатга олган ҳолда, янги Сайловолди дастуриимизга ушбу йўналишдаги қатор масалаларни киритиш назарда тутилмоқда.

Бунда биз амалий ишлар ва бунёдкорлар партиясини эканлигимиз, яъни сайловчиларга берган ваъдаларимизга содиқлигимизни доимо кўрсатиб туришимиз зарур. Зеро, сайловчилар фақатгина сўзи ва иши бир партия вакилларигагина овоз беришарди

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

О'zLiDeP фракцияси аъзолари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада рағбатлантириш муҳимлигини алоҳида таъкидладилар. Чунончи, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 25 фоиздан 15 фоизга пасайтирилиши солиқ юқини 481,8 миллиард сўм миқдоридан камайтиради ҳамда айланма маблағларни тўлдирши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технология қайта жиҳозлашни амалга ошириш, шунингдек, ходимларни рағбатлантириш учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилади. Бу хўжалик субъектларининг фойда солиғи базавий ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга, шунингдек, қурилиш соҳасида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтираётгани ҳам тааллуқлидир. Бу эса 141 миллиард сўм маблағни корхоналар тасаруфидида қолдириш имконини беради, ушбу маблағлар ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун йўналтирилади.

**Ўзбекистон ХДП фракциясининг аъзолари** ижтимоий соҳага ажратилган Давлат бюджетни мақсадларини таъминлаш ва спорт тадбирларини ўтказиш учун ажратилган қаражатлар ҳажминини жорий йилга нисбатан 1,24 баравар ошириш назарда тутилганини таъкидладилар. Шу билан бирга, 2015 йилги Давлат бюджетни мақсадлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг қарорлари билан тасдиқланган мамлакатимиз шаҳарларининг меъморчилик режавий қиёфасини яхши-

лашга доир давлат дастурининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш ҳам назарда тутилмоқда. Бу мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси учун қулай шарт-шароит яратилишига кўмаклашади.

Шу билан бирга, Давлат бюджетининг даромадлари тушуми, улардан самарали фойдаланиш, айниқса, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган бюджет маблағлари устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан тақлифлар билдирилди.

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг депутатлари** 2015 йилги Давлат бюджетни мақсадлари билан давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларида жаҳон иқтисодиётида мураккаб жараёнлар ва салбий тенденциялар давом этаётган шароитда мамлакатимиз барқарор иқтисодий ўсишининг муҳим омилли сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирларни рўёбга чиқариш назарда тутилганлигини таъкидладилар.

Фракция аъзолари 2015 йилги Давлат бюджетни лойиҳасида маданият муассасаларини таъминлаш ва спорт тадбирларини ўтказиш учун ажратилган қаражатлар ҳажминини жорий йилга нисбатан 1,24 баравар ошириш назарда тутилганини таъкидладилар. Шу билан бирга, 2015 йилги Давлат бюджетни мақсадлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хукуматининг қарорлари билан тасдиқланган мамлакатимиз шаҳарларининг меъморчилик режавий қиёфасини яхши-

лашга доир давлат дастурининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш ҳам назарда тутилмоқда. Бу мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси учун қулай шарт-шароит яратилишига кўмаклашади.

Фракция депутатлари жаҳон бозоридаги ноқулай конъюнктура шароитларида мамлакатимизнинг экспорт қилувчи корхоналарини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг муҳимлигини ҳам қайд этдилар. Туризм ва хизматлар соҳаларини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирларнинг қабул қилиниши маҳаллий бюджетлар даромадларининг оширилишига ва минтақарининг иқтисодий салоҳиятини кўмаклашиши таъкидланди.

**«Адолат» СДП фракциясининг аъзолари** мамлакатимизнинг илмий-техник салоҳиятини тўлиқ ишга солиш имконини берувчи инновацион иқтисодиётнинг яратилиши муҳим вазифа деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга, фракция иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технология қайта жиҳозлаш тадбирларига катта эътибор бермоқда.

Фракциянинг фикрича, мамлакатимиз иқтисодиёти фан ва техниканинг энг илгор ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқаришга ва халқ таълими тизимига таяниши лозим. Бу борада 2015 йилги Давлат бюджетни лойиҳасида фан соҳасига ажратилган қаражатлар жорий йилга нисбатан 1,26 баравар оширилган, бу эса ўз навбатида давлат илмий-техник дастурлари

доирасида фанни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ҳамда тадбирларини давом эттиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг сайланган депутатлар гуруҳининг аъзолари** аҳолини ичимлик суви, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашни, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни, сув ресурсларини оқилона фойдаланишни, шунингдек, аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш бўйича ишларни давом эттириш муҳимлигини қайд этдилар. Муҳокама чоғида Экоҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи жалб этилаётган инвестицияларнинг, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларни ҳал қилиш учун ажратилаётган Давлат бюджетни мақсадларининг ҳажминини ошириш, шунингдек, улардан мақсадли, самарали фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадида мувофиқлиги ҳақида тақлифлар билдирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

## Мукаммал солиқ ва бюджет сиёсати мулкдорлар фаолиятининг кафолатидир



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Акбар МУЗАФФАРОВ,** «XXI asr»

Депутатларнинг фикрича, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти бюджет тизимининг барқарорлиги, маблағларнинг мақсадли сарфланиши билан бир қаторда оқилона солиқ сиёсати юритиш билан узвий боғлиқ жараёнлар бўлган электротаримиз вакиллари талаб қилмоқда. Шунини инобатга олган ҳолда, янги Сайловолди дастуриимизга ушбу йўналишдаги қатор масалаларни киритиш назарда тутилмоқда.

**Бундай бюджет лойиҳасини О'zLiDeP электротаримиз билан тадбиркор, ишбилармонлик энг аввало, барқарорлик мавжуд бўлган, эртанги кунга ишонч ва оқилоналик ҳукм сурган**

**жойдагина тараққиёти этили.** Мамлакатимизнинг солиқ ва бюджет сиёсати эса айнан ана шундай мақсадга қаратилганлиги билан дунё жамоатчилиги эътирофига сазовор бўлмоқда.

— Бугун Президентимиз томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун янги имтиёзлар яратиб берилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Муҳаммаджон Турсунов. — 2015 йилги Давлат бюджетини қўзда тутилган ягона ижтимоий тўловнинг қарийб 10 фоизга қисқарётгани тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлаш, қолвераси, соҳанинг миллий иқтисодиётимизда тулган ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан жуда катта воқеа бўлди, десак адашмаймиз.

Йиғилишда, шунингдек, О'zLiDeP фракциясининг асосий молиявий ҳужжат доирасида сув ҳўжалиги объектлари ва ирригация иншоотлари қурилиши, «Наввий» эркин-иқтисодий индустриал зонаси, «Ангрен», «Жиззах» махсус индустриал зоналарида муҳандислик иншоотлари ва коммуникацияси, инфратузилма объектларини қуришга мўлжалланган сармояларни мақсадли сарфлаш масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Дарҳақиқат, бугунги кунда қишлоқ хўжалиғиди-ги муаммоларни, айниқса, сув масаласини ҳал этмай туриб, иқтисодий ислоҳотларни муваффақият-ли давом эттириб бўлмайди.

Сир эмаски, кўп қиррали бозор иқтисодиётининг ривожлантиришининг асосий шартларидан бири хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш билан боғлиқдир. Йиғилиш иштирокчилари айни масалага «Хусусий мулк дахлсизлиги» тамойилидан келиб чиққан ҳолда ёндашиб, фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулк объектларини Давлат бюджет доирасида хусусийлаштиришнинг давом эттирилиётганини тўла қўллаб-қувватладилар. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда аниқ мудоао эканлиги таъкидланди.

Йиғилиш кун тартибидидаги иккинчи масала — «2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури» юзасидан меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимухамедов сўз олиб, ушбу ҳужжат барча манфаатдор ташкилотлар билан туман ва шаҳарлар кесимида меҳнат бозоридидаги эътибежни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилганини таъкидладилар.

— Дастурда меҳнат бозоридидаги вазиятни юмшатишнинг таълиқининг бугунги кундаги самарали шакллари, айниқса, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, фаолият кўрсатмаётган корхоналарни тиклаш орқали иш ўринлари яра-

тиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган, — дейди Б.Алимухамедов. — Унга мувофиқ, 2015 йилда республика бўйича 987,5 минг иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган. Эътиборли зонаси, биргина яқка тартибдаги тадбиркорлик соҳасида 104,3 минг кишининг бандлиги таъминланиши режалаштирилган. Шунингдек, дастурга биноан қиланган сармояларни мақсадли сарфлаш масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Дарҳақиқат, бугунги кунда қишлоқ хўжалиғиди-ги муаммоларни, айниқса, сув масаласини ҳал этмай туриб, иқтисодий ислоҳотларни муваффақият-ли давом эттириб бўлмайди.

Сир эмаски, кўп қиррали бозор иқтисодиётининг ривожлантиришининг асосий шартларидан бири хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш билан боғлиқдир. Йиғилиш иштирокчилари айни масалага «Хусусий мулк дахлсизлиги» тамойилидан келиб чиққан ҳолда ёндашиб, фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулк объектларини Давлат бюджет доирасида хусусийлаштиришнинг давом эттирилиётганини тўла қўллаб-қувватладилар. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда аниқ мудоао эканлиги таъкидланди.

Йиғилиш кун тартибидидаги иккинчи масала — «2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури» юзасидан меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимухамедов сўз олиб, ушбу ҳужжат барча манфаатдор ташкилотлар билан туман ва шаҳарлар кесимида меҳнат бозоридидаги эътибежни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилганини таъкидладилар.

— Дастурда меҳнат бозоридидаги вазиятни юмшатишнинг таълиқининг бугунги кундаги самарали шакллари, айниқса, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, фаолият кўрсатмаётган корхоналарни тиклаш орқали иш ўринлари яра-

# ХУДУДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

## Одамларни ҳаётбахш ғоялар бирлаштиради

**О'zLiDeP Тошкент вилоят кенгашининг навбатдаги конференциясида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этиш ҳамда партия ҳудудий ташкилотлари томонидан ўтган йиллар давомида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди**



**Солижон ЗОИРОВ,**  
«XXI asr»

Алоҳида таъкидланганидек, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида жорий йилнинг апрель ойида Конституцияга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мамлакатимизда янгича сиёсий майдон вужудга келиши, партиялараро рақобатни янада кучайтириш,

шунингдек, сиёсий партияларга қўйилган талабларнинг ортishiга замин яратди.

Шу боис ҳам О'zLiDeP демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни янада либераллаштириш йўналишидаги устувор вазифаларни бажаришга жиддий эътибор қаратди. Бу борада олтинга аниқ мақсадли партиявий лойиха амалга оширилиб, уларда иқтисодийни бошқариш тизимини изчил такомиллаштириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва фермер-

лик ҳаракатининг ҳуқуқларини таъминлаш, кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушини ошириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари қамраб олинди.

Хусусан, «Мулкдор оила-2014» лойихасида Тошкент вилоятидан 600 нафар иштирокчи ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини оширди. Тақдимотларда 60 нафар катнашчининг умумий қиймати 386 миллион сўмлик бизнес-режасини молиялаштириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ижро ҳокимияти идоралари раҳбарларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини доир ўтказилган 36 та эшитувнинг 21 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилди.

Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўйича ҳисобот даврида 200 дан ортиқ партиявий тадбир, хусусан, «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага», «Соғлом оила — мустақам оила», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик им-

кониятлари» номли махсус лойиҳалар амалга оширилди. Уларда 10 мингдан ортиқ хотин-қиз иштирок этди.

Сиёсий таълим маркази томонидан Президентимиз Концепциясидан келиб чиқадиган О'zLiDePнинг амалий ҳаракатлари доирасида 40 дан ортиқ ўқув-семинар уюштирилиб, уларда катнашган 500 нафарга яқин партия аъзосидан 65 нафага бизнес-режасини молиялаштириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Конференцияда, шунингдек, О'zLiDePнинг пойтахт вилоятидаги бошланғич партия ташкилотлари 591 тадан 723 тага, аъзолар сони эса 21 минг нафардан 33 минг нафарга ортгани айтиб ўтилди.

Конференция якунида партиянинг яқин келажақдаги асосий фаолият йўналиши юзасидан устувор вазифалар белгиланиб, О'zLiDePнинг навбатдаги съездида иштирок этиш учун Тошкент вилоятидан 32 нафар делегат сайланди.

## Собитқадамлик — саъй-ҳаракатларимиз мазмуни

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг навбатдаги конференциясида О'zLiDePнинг энг муҳим дастурий вазифаларини амалга ошириш, электрот билан алоқани янада мустаҳкамлаш борабариди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига сайловга юксак савияда тайёргарлик кўриш жараёнида собитқадамликни таъминлаш масалалари кўриб чиқилди**

**Янгибой КҮЧҚОРОВ,**  
«XXI asr»

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси Ботир Мирзаевнинг маърузасида партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари томонидан эришилган марраларни амалий ишлар билан мустаҳкамлаш, ўрта синф манфаатларини янада фаолроқ ҳимоя қилиш, ёшлар ва аёллар бўлимлари ишини яхшилаш, сиёсий таълим сифатини ошириш борасидаги муайян натижалар алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда партиянинг 13102 нафар аъзоси 674 бошланғич ташкилотга бирлашган ҳолда мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очишга сиёсий таълим қўшмоқдалар. Аъзолар

орасида 1527 нафар тадбиркор, 1730 нафар фермер, 4579 нафар хотин-қиз ва 6947 нафар ёш бор. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аъзолар сони 21,7 фоизга, бошланғич ташкилотлар эса 13,3 фоизга ўсган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясида Қорақалпоғистондан сайланган 3 нафар депутат, мамлакат парламенти Сенатда 4 нафар вакил қўрсатмоқда.

Конференцияда ижобий натижалар билан чекланиб қолмасдан, янги марраларни эгаллаш, партиядан сайланадиган депутатлар сонини кўпайтириш, электрот сафини кенгайтириш, барча йўналишларда етакчи ўринларга қизиқиб иштирокчи мақбул тадбирлар белгиланди.

Конференцияда муҳокама этилган муҳим масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, партиянинг навбатдаги съездида делегатлар сайланди.

## Сусткашликка ўрин йўқ

**О'zLiDeP Навоий вилоят кенгашининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловдаги иштироки борасида партия ташкилотининг навбатдаги вазифалари муҳокама этилган конференциясида ана шундай қарорга келинди**



**Мансур АСЛОНОВ,**  
«XXI asr»

Мазкур кенгаш раиси Яшин Душон партия томонидан кейинги олти ойда амалга оширилган ишлар хусусида тўхтади. Унинг таъкидлашича, бу даврда О'zLiDeP аъзолари сонини кўпайтириш, электротлар ва аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишда ҳамкор ташкилотлар, депутатлик гуруҳлари кучидан унумли фойдаланиш, вилоят кенгаши аъзолари масъулиятини кучайтириш, Сиёсий таълим маркази ўтказиладиган тадбирлар савиясини кўтариш бўйича амалий ишлар қилинди. Натижада жорий йилнинг ўтган даврида навоийлик либераллар сафи 2,2 баробар ошди. Энг муҳими, электротларнинг муаммоларига ечим

бинати директори Кувондиқ Санакулов, НДПИ ректори Холбой Ибрагимов, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев ва бошқалар давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича илгари сурилган ташаббуслар, шубҳасиз, сайлов жараёнларини янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлишини тилга олиб, либерал-демократик ғоя ва мақсадларни изчил амалга оширишда ўзининг қатъий позицияси орқали сиёсат майдонига мустақам мавқеи эгаллаб турган О'zLiDeP аъзолари сифатида ҳеч биримизнинг сусткашликка йўл қўйишга ҳақимиз йўқлигини таъкидладилар.

Тадбирда ҳудудий сайловда изчил амалга оширишда самарали фойдаланиш, ишончли вакиллари таниш, сайловчилар билан иш олиб бориш, депутатликка номзодларга амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, туман ва шаҳар кенгашлари таркибини кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Конференция якунида партиянинг яқин келажақдаги асосий фаолият йўналиши юзасидан устувор вазифалар белгиланиб, О'zLiDePнинг навбатдаги съездида делегатлар сайланди.

## Электрот ишончини оқлаш масъулияти

**Термиз шаҳрида О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди**

**Мухриддин НУРМАНОВ,**  
«XXI asr»

Унда партия Сиёсий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, вилоят кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, БПТлар етакчилари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Анжуманда таъкидланганидек, кейинги йилларда партия аъзолари сафи сифат ва сон жиҳатдан мустаҳкамланди. Маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг фаолиятида сезиларли ўзгаришлар юз берди. О'zLiDeP тадбиркор ва фермерлар манфаатини ҳимоя қиладиган етакчи кучга айланди. Хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга эътибор кучайтирилди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган партиявий лойиҳаларда иқтисодийни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва либераллаштириш, реал секторда кичик бизнеснинг улушини ошириш ва соғлом рақобатни шакллантириш чора-тадбирлари қамраб олинди. Ташкил этилаётган бундай лойиҳаларга қизиқиб билдирувчилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани эътиборга молик. Хусусан, жорий йилда «Мулкдор оила» лойиҳасининг вилоят босқичида 70 нафарга яқин талабгор катнашган бўлса, улардан 31 нафари партия кўмағида умумий қиймати 2 миллиард

492 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини янада юксалтириш имкониятига эга бўлди. Ҳозиргача лойиҳа фойдаланган 17 нафарига қарий бир миллиард сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, ўттизга яқин янги иш ўрни барпо этилди.

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида катнашган битирувчилардан 92 нафарига микрокредит олиш учун сертификатлар топширилди. Шу кунгача ишбилармон ёшлардан 62 нафарига 229 миллион 200 минг сўм имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйди.

Айну кунда вилоятдаги 543 бошланғич ташкилот ўз сафига 21 минг 821 аъзони бирлаштирган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тўрт нафар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида 140 нафар депутат фаолият юритмоқда. Ўтган даврда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ўттизга яқин мансабдор шахсининг ҳисобларини эшитиб, 21 та назорат-тахлил фаолиятини амалга оширди. Тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига 105 та сўров юборилди. О'zLiDePнинг Сайловдаги платформаси талаблари ҳамда электрот рақобатини доирасида халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари доимий комиссияларига қўллаб-қувватлаш киритилди.

Конференцияда О'zLiDePнинг навбатдаги съездида делегатлар сайланиб, қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## Муносиб делегатлар сайланди

**Бухорода О'zLiDeP вилоят кенгашининг навбатдаги конференцияси ўтказилди**

ҳолда ечимини қутаётган масалаларни маҳаллий кенгашлар сессиялари муҳокамасига киритмоқдалар. Ўтган давр мобайнида бу борада 64 та долзарб масала кўриб чиқилиб, ижроси назоратга олинди.

Конференцияда қайд этилганидек, вилоятда партиявий лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширишга жиддий эътибор берилаяпти. Масалан, «Мулкдор оила-2014» лойиҳасида ўтган йилларга қараганда кўпроқ, яъни 110 нафар талабгор иштирок этди. Натижада жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига 95 нафар иштирокчига умумий қиймати 1 миллиард 300 млн. сўмга яқин кредитлар ажратилди. Шунингдек, «Ишбилармон талаба», «Парламентда меннинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...», «Диплом билан — бизнесга» сингари махсус лойиҳаларда вилоят бўйича ўтган давр мобайнида 9088 нафар йигит-қиз сиёсий-ижтимоий билим ва кўникмалар

рини оширишга муваффақ бўлди.

— Сайлов демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, аниқроқ айтганда бўлсақ, халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокининг асосий шаклидир, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Насимжон Алимов. — Мамлакатимиз парламенти ва давлат ҳокимияти вакиллик органларида жорий йилнинг 21 декабрида ўтказиладиган сайловга янги ижтимоий-сиёсий шароитларда тайёргарлик кўриладаяпти. Президентимиз томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган мақсад ва вазифалар сайловга тайёргарлик ишларини давр талаблари даражасида ташкил этишни тақозо этапти.

Марказий сайлов комиссияси қарорига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси ўртача 154 минг сайловчи ҳисобидан белгилаб олинган. Шундан келиб чиқиб, Бухоро вилояти бўйича саккизта сайлов округи тузилиб, уларнинг чегаралари ва сайловчилари сони тасдиқланди.

Эндиликда номзодларни тўғри таниш, уларнинг сиёсий фаоллиги, турли ёшдаги ва касбдаги кишилар билан ишлаш малакаси, ҳудудлардаги ижтимоий-сиёсий муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш борасидаги билим ва тажрибасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бўлажақ сайлов О'zLiDePнинг сиёсий майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Анжуман якунида тегишли қарорлар қабул қилиниб, О'zLiDeP съездида делегатлар сайланди.

## Эришилган натижалар хотиржамликка асос бўлмайди

**Оилавий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши вилоятда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, йигит-қизларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда**

**Дилора ЭСОНОВА,**  
«XXI asr»

О'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги конференциясида айни шу масалалар хусусида ҳам фикр юритилди.

— Яқинлашиб келаётган сайловга муносиб тайёргарлик кўриш ва бу жараёни оқори савияда ўтказишга барча фаоллар жалб қилинган, — деди О'zLiDeP вилоят кенгаши раиси С.Назаров. — Жойларда ўтказилаётган тадбирларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг дастурий мохияти, партиянинг маърузий вазифалари ва ғоявий мақ-

садларини оммага етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, кўп тармоқли субъектларни ташкил этиш, паррандачилик, асаларчилик, бақчилик хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, интенсив ва маҳаллий бонглар, узумчилик, мева-сабзавотчилик тармоқларини ривожлантириш ҳисобидан мингдан ортиқ янги иш ўрни яратишга эришилди.

О'zLiDePнинг Сайловдаги платформаси ва «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этишда жойларда ўтказиб келинаётган давра сух-

батлари, амалий мулоқот ва юзма-юз учрашувлар муҳим ўрин тутаяпти. Ҳисобот даврида партия вилоят кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жами 56 дан ортиқ ана шундай тадбир ўтказди. Уларда 4500 нафардан ортиқ иқтидорли ёш иштирок этди. Хусусан, «Диплом билан — бизнесга-2014» лойиҳасида катнашган 41 та битирувчига микрокредит олиш учун сертификатлар топширилди.

Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ҳисобот даврида 200 дан ортиқ партиявий тадбир ва «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага», «Соғлом оила

— мустақам оила», «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаларида мингдан зиёд хотин-қизнинг бевосита иштироки таъминланди.

Ҳисобот даврида депутатлик гуруҳлари томонидан тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига 105 та сўров юборилди, 15 нафар мансабдор шахсининг ахбороти тингланиб, 2 та назорат-тахлил фаолияти амалга оширилди.

Конференцияда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси съездида ўн нафардан ортиқ вилоят делегатлари сайланди.

## Муайян фаолият сарҳисоби

**О'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши конференциясида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари вакиллари, БПТлар етакчилари ва ОАВ ходимлари иштирок этди**

**Ахроржон МУСУРМОНОВ,**  
«XXI asr»

— Ўтган беш йил мобайнида партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаоллари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи аъзолари О'zLiDePнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда ҳудуддаги электрот вакилларининг ишончини оқлашга баҳоли қудрат эришиб келяпти, — дейди партия вилоят кенгаши раиси Солижон Муминов. — 2009-2014 йиллар, яъни сайловлар оралиғида

партия аъзолари 5200 нафардан зиёдга, бошланғич партия ташкилотлари сони эса 120 тага ошди. Шу даврда жойларда 2300 нафар ортиқ партиявий тадбир ўтказилди.

Хусусан, ёшлар билан ишлаш йўналишида 700, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир 500, аёллардаги тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришга оид 400, сиёсий таълим ва ташкилий-партиявий йўналишларда эса 700 га яқин сиёсий ўқувлар, семинар-тренинглар, учрашувлар, амалий мулоқотлар ва кўрик-танловлар ўтказилди.

Маҳаллий кенгашлардаги депутатлар томонидан йил дастурлари, қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг ижроси, шунингдек, сайловчиларнинг мувожадатлари асосида тегишли ташкилот ва идораларга 2850 та сўров юборилиб, уларнинг 82 фоизи ижобий ечимини топди.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган қатор лойиҳаларда ўтган беш йил мобайнида 8400 нафар иштирокчи катнашиб, улардан 520 нафарига 1 млрд. 700 млн. сўмдан зиёд имтиёзли кредит берилишига

кўмаклашилди. Шунингдек, партиядан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатларининг саъй-ҳаракати билан вилоятдаги тадбиркорларга 5 млрд. 100 млн. сўм миқдорда кредит олишга бевосита ёрдам кўрсатилди. Натижада 2500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Конференция якунида партиянинг яқин келажақдаги асосий фаолият йўналиши юзасидан устувор вазифалар белгиланиб, О'zLiDePнинг навбатдаги съездида иштирок этидиган делегатлар сайланди.

# ЖАРАЁН

ЭЛ ЭЪТИБОРДАГИ ЛИБЕРАЛЛАР

## «Хар жиҳатдан қулай шароитда бизнес юритаяпмиз»

**Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам кичик бизнес ривожига катта эътибор қаратишмоқда. Чунончи, жорий йил бошидан буён хусусий сектор вакиллари томонидан вилоятда бир қатор янги ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Айни пайтда кўплаб корхоналарда модернизациялаш ишлари олиб борилиб, мулкдорлар томонидан замонавий техника ва технологиялар амалиётга жорий этиляпти**

**Зиёдулла МҮМИНОВ, «XXI asr»**

Маълумотларга кўра, вилоятда бугун қарийб 20 мингта тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётган бўлиб, ялпи ҳудудий маҳсулот салмоғида уларнинг улуши салкам 60 фоизни ташкил этаётди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса сифати билан хариддоргир бўлмоқда. — Асосийси, тадбиркорлар эркин фаолият юритиб, яратилган имтиёз ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга чиқаришмоқда.



O'zLiDeP аъзоси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутаты Миррахим Адилов бошчилигидаги «Бер Ад агро» корхонаси томонидан тайёрланаётган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари табиий ҳамда қадоқланган ҳолда ўнлаб давлатларга экспорт қилинаётган бўлса, Оҳангарондаги «Voolen teks», Чирчиқдаги «Rademus-Servis», Зангиота туманидаги «Telekom Tehnologiya» каби 100 га яқин тадбиркорлик субъектларининг ҳар бири томонидан ўтган йилда 1 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотлар хорижга жўнатилади.

— Чет эллик ишбилармонлар, ҳамкорларим мендан кўпинча сизларда тадбиркор бўлиш осонми, дея сўрашади. Шунда мен ҳеч иккиланмай, ҳар жиҳатдан қулай шароитда бизнес юритаяпмиз, дея жавоб бераман ва мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар, имтиёзлар ҳақида гапириб бераман. Улар ҳавас билан қарашади. Мен эса бундан ниҳоятда гурунланман, — дейди O'zLiDeP аъзоси, Қибрай туманидаги «BDK» масъулияти чекланган жамияти директори Акбар Ишназаров. — Корхонамиз ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, мамлакатимизда тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинаётган қонунлар янги иш бошлаганларнинг оёққа туриб олишида муҳим омил бўлаяпти. Корхонамизда чорва, парранда ва балиқчилик ҳўжаликлари учун омухта ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Технология ва ускуналар замонавийлиги боис маҳсулотимиз ички ва ташқи бозор талабига тўла жавоб беради.

Шу ўринда бошловчи тадбиркорлар учун асқотадиган биринчи гап айтсам. Корхонамизни ташкил қилишдан аввал бозорни ўрганиб чиқдик. Маркетинг тадқиқотлари ўтказдик. Партиямизнинг асосий электорати билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйдик. Бунда, айниқса, O'zLiDeP Тошкент вилоят ҳамда Қибрай туман кенгашлари бизга яқин кўмакчи бўлди. Энди иш бошлаган тадбиркорга кўмак бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, кези келганда кўллаб-қувватлаш кейинги фаолият учун катта далда бўлишини амалда кўрдик. Корхонамизда 20 га яқин ишчи меҳнат қиляпти. Уларнинг катта қисмини касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ташкил этади. Эътиборлиси, биз олиб келган ускуналарни ишлаштириш бўйича кўрланмалар инглиз тилида бўлса-да, уларни ёшларимиз қўйинчиликсиз ўзлаштириб олдилар.

Тошкент вилоятида бугунги кунда чорвачилик, паррандачилик ҳамда балиқчиликка ихтисослашган 200 дан ортиқ деҳқон ва фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Йирик ташкилот ва корхоналар қошида ёки мустақил тарзда ташкил этилган мазкур тузилмалар ҳудудда омухта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар салмоғи орттишига туртки бераяпти.

— Ўтган йилларда ўртача 3-4 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, эндиликда бу миқдор янада ортди, — дея сўзини давом эттирди сўхбатдошимиз. — Асосий буюртмачиларимиз «Зарафшон Поток» шўба корхонаси, «Узметкомбинат» ОАЖ, «Чимён парранда» МЧЖ, «Хоразм балиқ» каби 20 га яқин йирик ҳўжалик бўлиб, уларга шартнома асосида омухта ем етказиб бераяпмиз. Маҳсулотимизга талаб кўпайгани боис яқинда Навоий вилоятида ҳам корхонамизнинг филиалини ишга туширдик ва у ерда ҳам 20 та янги иш ўрни яратдик.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик субъектларининг аксарияти бир пайтлардагидек фақат савдо-сотик билан чекланмасдан, балки маҳсулот ишлаб чиқариш, хусусан, қишлоқларда деҳқончилик ва чорва маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйишга япти. Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятда саноат йўналишида умумий қиймати қарийб 264 млрд. АҚШ долларилек 188 та лойиҳа амалга татиб қилинган эди. Эътиборлиси, жаҳон стандартлари талаблари даражасида маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар вилоятнинг шаҳар ва туманлари марказлари билан бир қаторда чекка ҳудудларда ҳам ташкил этиляпти. Улар томонидан ҳар йили деярли 1 млрд. доллар миқдориди турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам сотилапти.

Масалан, Зангиота туманидаги «Forex mebel», «Вахтал», «Standartteks» МЧЖлар, Қибрайдаги «Asven disteelleries», «Baitqo'g'on-agro-Xaitov», «Imkon plyus» каби корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар йилдан-йилга хариддоргир бўлаётди. Бу йил эса вилоятда саноат, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сервис хизматлари кўрсатиш корхоналарини ишга тушириш, экспортбел маҳсулотлар салмоғини ошириш эвазига 2 миллиард АҚШ долларилек маҳсулот экспорт қилиш ва 70 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Шу каби салмоқли вазибаларни бажаришда Акбар Ишназаров каби O'zLiDeP электорати бўлган тадбиркорларнинг ҳиссаси каттадир.

### ▲ АНИҚ САВОЛГА

— Сиёсий партия ваколатли вакилнинг овозларни санаб чиқишда иштирок этиш тартибини ким белгилайди?

— «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 17<sup>1</sup>-моддасига асосан бундай қонда Марказий сайлов комиссияси томонидан жорий этилади.

### ▲ АНИҚ ЖАВОБ

# «Илк бор сайловда қатнашаман»

**O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган навбатдаги тадбир «Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда профессионал сайлов тизими: ёшлар ва миллий қонунчилик» мавзусига бағишланди ва унда илк бор сайловда қатнашадиган навқирон авлод вакиллари иштирокида «Менинг сайловим — менинг келажагим» деб номланган ўзига хос баҳс-мунозара уюштирилди**

**Шухрат РАҲИМОВ, «XXI asr»**

Маълумки, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари одимлашда баркамол авлоднинг маънан ва жисмонан соғлом улғайиши мустаҳкам пойдевор вазибасини ўташи тайин. O'zLiDeP эса ушбу йўналишда қабул қилинган давлат дастурлари ижросини таъминлашда фаол иштирок этаётган, шунингдек, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга ҳисса қўшиб келаётган сиёсий ташкилотлардан саналади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг мамлакатимиз келажагини яратиши йўлидаги изланишлари, тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини мунтазам чуқурлаштириб ҳамда рағбатлантириб бориш партиянинг ёшларга оид сиёсатида устувор аҳамият касб этади.

— Мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилигини ташкил етувчи ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятининг ўсишига қўмаклашиш, уларнинг меҳнат шариоитини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, айниқса, қишлоқлардаги тенгдошларимизни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш партиянинг дастурий вазибаларини ҳисобланади, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Олим Норжигитов. — Жиззах политтехника институтида юқорида тилга олинган мулоқотни ташкил этишдан асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ сайлов кампанияси бошланганлиги муносабати билан O'zLiDePнинг жорий йил 21 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига



бўлиб ўтадиган сайловда муносиб иштирок этишини таъминлаш ҳамда бугунги кунда партия тизимида олиб борилаётган ишларни янада жонлантириш, аҳолининг кенг қатламларига партиявий қонунчиликни чуқур сингдириш, депутатлик ўринлари учун бўлиб ўтадиган сайловда энг муносиб номзодлар учун сайловчиларнинг овозини олишда «қураш» нималардан иборат эканини юзасидан атрофли маълумотлар беришдан иборатдир.

Барчамизга яхши аёнки, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини демократик тарзда ташкил этишдаги иштироки сайловда намоён бўлади. Эркин сайлов орқали фуқаролар ўзи муносиб деб билган шахсларни парламент куйи палатасига ёки маҳаллий давлат вакиллик органларига депутат қилиб сайлайди, уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради. Ёшларимизнинг бу жараёнда фаол иштироки эҳтиш, ўз қарашларини мана шундай тадбирларда илгари суриши ўзаро алоқаларнинг тўри шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Сиёсий партиялар эса фуқароларнинг муштарак манфаатларини бирлаштириб, жамиятдаги ижтимоий қатлам-

ларнинг позициясини ифода этадиган жамоат ташкилотидир. Бу борада ёшлар манфаатларини турли йўналишларда ифода этиш сиёсий партияларнинг, жумладан, O'zLiDePнинг асосий вазибаларини берибдири.

— Айни пайтда партия томонидан жойларда ўтказиб келинаётган турли лойиҳалар ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзи таъминларини қарор топтириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда жуда катта ёрдам берапти, — дейди Жиззах вилоят педагогика институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Мафтуна Қўшбоқова. — Мен бу йил илк бор сайловда қатнашаман. Биз бугун яна бир марта Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ҳамда ҳар бир сайловчи бир овозга эгаллиги, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қафолатланиши тўғрисидаги маълумотлар билан батафсил танишдик. Булажак сайловда аниқ амалий ишлар билан ўзини кўрсатган партия ва унинг номзодлари учун овоз берамиз.

— Ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашига яқиндан кўмаклашиш, ривожланган бозор муносабатларига асосланган давлат қурилиши ва бошқаруви, фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол иштирок этишга тайёр йигит-қизларни тарбиялаш, уларга шарт-шароитлар яратиб бериш, иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашиш каби масалалар партиянинг Сайловолди платформаси лойиҳасида акс этгани эътиборимни тортди, — дейди Жиззах транспорт, алоқа касб-ҳунар коллежи талабаси Дадажон Нарзиқуллов. — Бугунги мулоқот менинг O'zLiDePга қизиқишимни янада кучайтирди. Тадбир давомида сайлов қонунчилигига қиритилган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлдим. Мен яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, партия томонидан ўтказилаётган турли лойиҳаларда катта ўтуқларни қўлга қиритиш ҳамда партиянинг махсус стипендияси совриндори бўлиш ниятидаман.

— Биз O'zLiDePнинг мақсад ва вазибалари, қонунлари, амалга ошираётган ишлари билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик, — дейди Жиззах

тиббёт коллежи талабаси Махлиё Истамқуллова. — Бу эса ёшларнинг интилиш ва ташаббусларини кўллаб-қувватлаш баробарида уларни партия сафига жалб этиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётда фаол бўлишга ундайди. Мен ҳам бу йил биринчи бор сайловда иштирок этаман. Сайлов қонунчилигида амалга ошираётган партия учун овоз беришга қадамман.

Давра сўхбатда мамлакатда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, инсонга сармоя қиритиш ҳисобидан фаровонлик ва аҳоли турмуши сифатини оширишга йўналтирилган ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнида партия иштирокини кучайтириш, йигит-қизларнинг уйғун ривожланишига қаратилган таълим сифатини янада ошириш, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, илғор усулларни тез ўзлаштириш лаёқатини шакллантириш, замонавий фикрлай оладиган, билимли ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашга қодир янги авлод вакилларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилди.

## Синов арафасида

**O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши ҳўзуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан туман ва шаҳар партия ташкилотлари қошидаги лекторлар гуруҳлари аъзолари учун ўтказилган ўқув-семинар бўлажак сайловга тайёргарлик масаласига бағишланди. Унда O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Озбек Шероф, вилоят алия башқармаси бўлими бошлиғи Хусан Турсунов, Сиёсий таълим маркази раҳбари Дилором Азизованинг маърузалари тингланди.**

— Бу йилги сайлов мамлакатимизда вужудга келган янги сиёсий шароитда ўтаётгани билан олдинги сайловлардан тубдан фарқ қилади, — деди тадбирда иштирок этган вилоят Сайлов комиссияси раиси ўринбосари Незмат Рўзиев. — Мазкур жараёнда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»дан келиб чиқиб қабул қилинган қонунлар дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Семинарда лекторлар гуруҳлари зиммасидаги вазибалар, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказишга оид ишлар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Тадбир якунида ваколатли вакил ва қузатувчилар учун амалий машғулот ўтказилиб, лекторлар гуруҳлари аъзоларига сайловолди тарқатма материаллари тақдим этилди. Сайфулла ИКРОМОВ.

## Аёлларга яратилаётган имкониятлар

**O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан тадбиркорлик, фермерлик ва ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган хотин-қизларга ўз бизнесини йўлга қўйишда амалий ёрдам бериш яхши анъанага айланган**

**Дилора ЭСОНОВА, «XXI asr»**

— Бу йил биринчи навбатда чекка ҳудудлардаги қишлоқларда истиқомат қилаётган аёллар ўртасида ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий бизнесни йўлга қўйишга ёрдам берапмиз, — дейди мазкур бўлим мудири Дилором Каримова. — Шу ўринда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши орқали яратилган имтиёз ва преференциялар аҳолининг турли қатламлари тадбиркорлик билан шуғулланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани, бу борада Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, шунингдек, бир қатор молия муассасалари билан ҳамкорлик қилиш учун битим тузиш баробарида уларнинг бевосита кўмагига таянаётганимизни айтиб ўтиш лозим. Масалан, гулистонлик тад-

биркор Раҳима Нўмонованинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун зарур техникалар олиш бўйича тайёрлаган бизнес-режаси «Миллий банк»нинг вилоят бошқармаси томонидан кўллаб-қувватланган, унга 304 миллион сўм миқдорда кредит берилди. Натижанда ўнлаб янги иш ўрни яратилди.

Ўз қишлоғида паррандачиликни ривожлантириш истагини билдирган боёвчулик Соҳиба Аллаёровага «Микрокредитбанк» вилоят бўлими томонидан 5 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди.

Мазкур туманда фаолият кўрсатувчи Галина Аҳмедова 10 миллион сўмлик кредит эвазига қишлоқ қизларига тўқувчиликни ўргатиш ишларини йўлга қўйган бўлса, янгиерлик Соҳиба Гофурова банк сармояси эвазига тикувчилик фаолиятини ривожлантиришга ҳаракат қиляпти. — «Ҳосилбод» қишлоқ фу-

қаролар йиғини ҳудудда уч мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Галина Аҳмедова. — Марказдан анча йироқда жойлашган қишлоқ аҳоли асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Бу ерда касаначиликни ривожлантириш, хотин-қизларнинг уй шароитида бандлигини таъминлаш мақсадида тикувчилик цехини очиб билан бирга аёлларга тўқувчиликни ҳам ўргатяпман. Бу эса ўз навбатида хотин-қизларнинг уйда ўтириб, даромад топиш, ўз оиласи фаровонлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлимининг хотинчиликни иш билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш, турмуш маданияти ва фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

## «Хонқаобод»нинг дадил қадами

Қундалик турмушимизда пластмасса буюмлардан фойдаланиш бир неча бараварга ошиб кетгани ҳеч кимга сир эмас. Айни чоғда шу турдаги чиқиндилар ҳажми ҳам кўпаймоқда. Уларни қайта ишлаш бир томондан янги маҳсулот хилини қўпайтирса, иккинчи жиҳатдан аҳоли бандлигини таъминлайди. Қолаверса, атроф-муҳит озодлигини сақлашга кенг йўл очади. Хонқа туманидаги «Хонқаобод» кичик корхонаси ана шу ҳайрли иш қўламини кун сайин оширмоқда. Корхона раҳбари, O'zLiDeP аъзоси, шу ерда фаолият юргизаётган бошланғич партия ташкилоти раиси Отабек Ражабов ташаббуси билан маҳсулот ассортиментини икки бараварга оширган замонавий ишлаб чиқариш линияси ўрнатилиб, 4 та янги иш ўрни яратилди.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ.



# БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 23-oktabr, payshanba, 42 (570)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi\_asr@mail.ru

## Амалий ишлар партиеси

**О'zLiDeP Сайловдиги дастурида партия фермерларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган механизмларнинг самарали ишлашига эришиш учун қатъият билан интилиши белгилаб қўйилган**

## БПТ таклифи депутатлик гуруҳига олиб чиқилди

**Бугунги кунда халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳида 25, туман ва шаҳар кенгашларида эса 103, жами 128 нафар депутат фаолият юритяпти. Улар томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 45 та масала қўриб чиқилиб, 13 таси халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сессияси кун тартибига киритилди**

**Муҳаббат РАВШАНОВА, Бехзод ИСРОИЛОВ, «XXI asr»**

Кейинги йилларда мазкур ваъдалар амалий ишларга қўллангани, жойларда қишлоқ мулкдорларининг манфаатлари сафдошларимиз томонидан изчиллик билан ифодаланаётгани, бунда бошланғич ташкилотларнинг ҳиссаси сезиларли даражада эканлигини мамнуният билан таъкидлаш жоиз.

Хусусан, Самарқанд вилоят Фермерлар кенгашида ташкил этилган қуйи бўғин, мана уч йилдирки, ўз ваколатлари доирасида замин соҳибларининг оғири енгил, мушқули осон бўлишига қўмақлашаётир.

— Бошланғич ташкилотимиз тузилган дастлабки пайтларда ўтказилган йиғилишларимизда электротар наздида партия нуфузини янада ошириш учун қандай ишларни амалга оширсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деган масалани кўп маротаба ўртага ташлаганмиз, — дейди БПТ етакчиси Насиба Тешаева. — Муҳокама ва мунозаралардан сўнг энг самарали йўл — фермерларга ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам бериш, деган қарорга келганмиз. Чунки, аъзоларимиз фикрича, мавжуд қу ва салоҳиятимиз ана шу вазифани удалаш имконини беради.

Этиборлиси, партия Самарқанд вилоят кенгаши му-

тасаддилари ҳам ушбу ташаббусни астойдил қўллаб-қувватлаб, БПТ аъзоларига тегишли тавсиялар, йўл-йўриқлар бердилар.

Шу тариқа қуйи ташкилот фаоллари ўз куч-ғайратларини партия дастурий мақсадларини тарғиб-ташвиқ қилиш билан бирга фермерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган тадбирлар уюштириш, уларни ўйлантираётган муаммоларни атрофича ўрганиш ва ҳал қилишга йўналтирилди. Аҳамиятлиси, ана шу жараёнда маслаҳатлар том маънода электротар вакиллари билан ҳамнафас бўлдилар, таъбир жоиз бўлса, кўпгина масалаларга уларнинг нигоҳи билан назар ташладилар.

Мисол учун, «Азамат-Тўхта-Навзандак» фермер ҳўжалиги баъзи тайёрлов корхоналаридан ўзига тегишли маблагини ундира олмаётгани. Фаолларнинг жонқурлиги, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши туфайли мазкур муаммо қисқа фурсатда ҳал этилди. Шунингдек, талабнома киритилгач, «Иштихонпилла» МЧЖ томонидан кўпгина фермерларнинг дебитор қарзлари тўлиқ қайтарилди. Умуман олганда, жорий йилда 50 дан зиёд ҳўжаликка ана шу йўсинида ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам берилди.

Таянч тузилманинг фаол аъзоларидан бири, ҳисобчи Абдусамид Пардаевнинг айтишича, Нарпай, Жомбой, Тай-



лоқ туманларидаги фермерлар кенгашлари юристлари, О'zLiDeP аъзолари — Элмурод Ёқубов, Қобил Муталов ва Шавкат Уринбоев ер эгалари дуч келатган қатта-кичик муаммолар ечимини топишга салмоқли ҳисса қўшаётирлар.

— Партия бизни ҳар доим қўллаб-қувватлашига ишонамиз, — дейди Нарпай туманидаги «Розия Маҳмудова» фермер ҳўжалиги раҳбари Р.Маҳмудова. — Шахсан ўзим партиянинг сўзи ва иши

бир сиёсий куч эканига амин бўлдим. Ҳамкасбларим тавсиясига биноан қандай бошланғич ташкилотга қарздор корхонадан маблағларимни ундириш борасида муваффақ бўлдим. Аризамни эътиборсиз қолдиришмади. Фаолларнинг жон қиймати сабабли пулларимни олишга муваффақ бўлдим.

Вилоят Фермерлар кенгаши раиси Аваз Хосиловнинг сўзларига қараганда, маслаҳатлар қишлоқ мулкдорлари

учун бепул ҳуқуқий маслаҳатхона очишни режалаштирмақдалар. Эро, кейинги йилларда бу соҳада қаттагина тажриба орттиришга муваффақ бўлдилар.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкин, амалий ишлар, ташаббуслар қанчалик кўп бўлса, хайрихоҳларимиз, тарафдорларимиз шунчалик кўпайиб бораверади. Н.Тешаева бошчилик қилаётган партия таянч нуқтаси фаолият ҳам бунга мисол бўла олади.

## Бўлажак педагоглар О'zLiDePни танладилар

Гулистон педагогика коллежида «Қонун устуворлигини таъминлашда ёшларнинг ўрни» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. О'zLiDeP шаҳар кенгаши, фаол БПТлар ташаббуси билан ташкил этилган мулоқотда мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш жараёнига ёшларни янада кенг жалб қилиш, қабул қилинаётган қонуний ва қонуности ҳужжатлари мазмун-моҳияти билан уларни яқиндан таништириш, ҳар жабҳада йиғит-қизларнинг ролини кучайтириш масалалари ҳусусида сўз борди. Бундан ташқари, яқинлашиб келаётган сайловга ёшларни тайёрлаш, Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунида мустақамлаб қўйилган нормалар ҳусусида ёшларга атрофича маълумот берилди. Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи кафолатланганлиги таъкидланди. Тадбир давомида сўзга чиққан О'zLiDeP Гулистон шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Х.Фарсанов, халқ депутатлари Гулистон шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Назира Дувлаева ва бошқалар қонунийлик, тенглик, очиқлик ва ошкоралик сингари жиҳатлар мамлакатимиз миллий сайлов тизмининг энг муҳим тамойиллари сифатида қарор тоганини айтиб ўтдилар. Сайлов жараёни демократик талаблар, умумэтироф этилган халқаро андозаларга жавоб берадиган тарзда ўттиши, фуқароларнинг ҳоҳиш истагини эркин билдириш ҳуқуқи кафолатланганлиги алоҳида эътибор қаратдилар. Эътиборлиси, қариб юз нафар киши иштирок этган мулоқот чоғида ўнлаб ёшлар О'zLiDeP сафига аъзо бўлиш истагини билдирдилар. Ўз муҳбиримиз.

## Кузатувчилар қандай талабларга жавоб бериши керак?

**О'zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши томонидан партиянинг ваколатли вакиллари ва кузатувчилари учун сайлов кампаниясини муваффақиятли ўтказиш масалалари бўйича махсус семинар ташкил этилди**

**Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr»**

Қуйи бўғинлар етакчилари, партия фаоллари, тарафдорлари ва ёшлар иштирок этган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, сайлов қонунчилиги талабларига риоя этиш, ваколатли вакил ва кузатувчилар вазифалари, уларнинг сайловдаги иштирокини ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилиб, ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳақида тушунчалар берилди.

— Маълумки, мамлакатимизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш, демократик сайлов тизими ва халққаро меъёрларга мос келадиган миллий сайлов қонунчилигини шакллантириш борасида кенг қўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди О'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари Дилором Азизова. — Давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловини очиқ, ошқор ва демократик андозаларга мос тарзда ташкил этиш ва ўтказишда фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадбир давомида сўзга чиққан халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Б.Сатторов, партия вилоят кенгаши мафзуравий тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири Б.Мусурмонов кузатувчи ва ваколатли вакиллар номзодларини шакллантириш борасида эришилган натижалар, мазкур жараёндаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар, сайловга тайёргарликни кучайтириш бўйича фикр юритдилар.

— Кузатувчилар таркиби партия фаоллари, йирик бошланғич партия ташкилоти раисларидан шакллантирилди, — дейди О'zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Х.Болтаев. — Учаска сайлов комиссияси кузатувчилари эса сайлов учаскаси ҳудудида жойлашган ташкилотларда ишловчи партия фаолларидан иборат бўлади. Биз сиёсий жиҳатдан билимдон, ташаббускор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, сайловга оид қонунларни яхши биладиган, юзага келган вазиятни тез илгаб оладиган, сайловчилар билан муомала қила биладиган, партиянинг мақсадларини ифода этган ҳолда баҳс-мунозаралар

**▼ АНИҚ САВОЛГА**

— Маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш қачон бошланади ва қачон тугайди?

— «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонуннинг 22-моддасига мувофиқ депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугайди.

**▲ АНИҚ ЖАВОБ**

олиб бора оладиган кишиларни таллашга ҳаракат қилдик. Семинарда интерфаол усуллари орқали сиёсий партия вакилларининг кузатувчиси ва ваколатли вакили учун номзодларни тайёрлаш, билим ва маъласини шакллантириш, ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириш, сайловга тайёргарлигини кучайтиришга оид тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**РЕКЛАМА**

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХА ҲУҲЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ**

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёлари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қўйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилан.

Танловда инвестициявий жозибалорлик ва саноат соҳасида таъбиқ этиш истикболлига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи гоёлар қабул қилинади.

Фонд энг истикболли ва жозибалор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга қўмақлашади.

Танловда лойиҳа гоёлари ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

Батафсил маълумот учун тел: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.fpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

# ИҚТИСОДИЁТ

## Электрон савдо:

### Изланиш ва самара

Пойтахтимизда Республика товар-хон ашё биржаси томонидан «Электрон харидлар бўйича ўтказилган аукцион савдоларининг очик-ошкоралигини таъминлаш ва уларда кичик бизнес субъектлари иштирокининг аҳамияти» мавзуда матбуот анжумани бўлиб ўтди

Рисолат МАДИЕВА,  
«XXI asr»

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда электрон харидлар тизимини янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини электрон шаклдаги корпоратив харидларга кенг жалб этиш, ушбу соҳада рақобатни ривожлантириш ва ошкораликни таъминлаш, табиий монополия субъектлари товарлари ҳамда хизматлари нархларини мақбуллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, электрон корпоратив харидлар механизми жорий этилиши монопол субъектлар, давлат университети ва устас фондидан 50 фоиздан ортиқ давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари ишини анча енгиллаштирмоқда. Бунда харид қилинаётган товар ва хизматларнинг нархлари етказиб берувчилар ўртасидаги соф рақобат шароитида шакллантирилади. Етказиб берувчиларнинг аксарият қисмини эса кичик бизнес субъектла-



ри ташкил этиб, улар иқтисодийнинг ушбу секторидида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини пасайтириш, нархлар манипуляция қилинишининг олдини олиш, ушбу жараёнда давлат ва жамоат назорати самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

Электрон аукцион савдоларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, корпоратив харидлар учун дастлабки эълонни жойлаштириш муддати 15

кун этиб белгиланиши электрон савдолардаги буюртмаларга потенциал етказиб берувчилар сонини сунъий чеклаш имконини бермайди. Фолибни аниқлаш электрон буюртмада амалга оширилари эса савдо-сотиқ жараёнидаги ноҳилик ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилиши шубҳасиз.

— Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида корпоратив харидлар бўйича ўтказилган электрон савдоларнинг ҳажми

263,2 млрд сўмни ташкил этди, — дейди Республика товар-хон ашё биржаси Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш маркази бошлиғи Азиз Абдуғаниев. — Бошланғич нархлар пасайиши ҳисобига 49,4 млрд сўм маблағ тежаб қолинди. Бу харидларнинг бошланғич қийматига нисбатан 15,8 фоиз демакдир. Хусусан, корпоратив харидлар бўйича ўтказилган электрон савдоларда иштирок этишдан буюртмачи ва етказиб берувчилар тўла манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозиргача корпоратив харидлар электрон тизимда 3 мингта буюртмачи ва 9 мингдан зиёд етказиб берувчи аккредитациядан ўтган бўлиб, уларнинг 93 фоизини кичик бизнес субъектлари ташкил этади.

Бугунги кунда корпоратив харидлар бўйича ўтказилаётган электрон савдолар давлатда ҳар бир талабномга ўртача 5 тадан зиёд таклиф келиб тушмоқда. Айрим буюртмачилар билан етказиб берувчилар ўртасидаги таклифлар эса янада кўпроқ. Бу, ўз навбатида, биржа томонидан корпоратив харидлар бўйича ташкил этилаётган электрон савдоларнинг самарадорлиги ошиб, қамров доираси кенгайиб бораётганидан далолат беради.

## ННТлар тадбиркорликни қўллаб-қувватламоқда

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар сони ўтган йилга нисбатан 16 фоизга ортиди

Шухрат ХЎЖАЕВ,  
«XXI asr»

Мустиқликнинг дастлабки кунлариданок мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилди.

Бугун бундай ташкилотлар демократик кадрлар, инсон эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолигини ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида со-

ҳанинг мукамал ҳуқуқий базаси ҳам яратилди. Жумладан, Конституциямизга «Жамоат бирлашмалари» деб номланган алоҳида боб киритилган бўлиб, мазкур ҳужжатнинг 58-моддасида жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари га риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиш бериш кўрсатиб ўтилган.

Ўз навбатида, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғри-

сида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида» қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Муҳими, соҳада олиб борилган ислохотлар натижасида ННТлар сони кўпайиб бормоқда. Хусусан, Адлия вазирлиги ахборот хизматининг хабар беришича, ўтган йили мамлакатимизда 7000 га яқин нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 8100 дан ошиб кетган. Бу эса

ўтган йилги кўрсаткичдан 16 фоиз кўп, демакдир.

Эътиборлиси, ННТларнинг салмоқли қисми, яъни 1800 дан ортиғи тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида фаолият юритмоқда. 1000 дан зиёди спортни ривожлантириш йўналишига, 640 дан ортиғи ёшлар, тахминан 570 таси демократик институтлар, 550 тадан кўпроғи имконияти чекланган шахслар, 280 дан зиёди аёлларни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган. ННТларнинг 220 дан ортиғи фаолиятини соғлиқни сақлаш соҳасини, 150 тадан зиёди эса таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирган.

## Ҳоким журналистлар билан учрашди

Тошкент шаҳар туманлари ҳокимларининг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашуви яхши аънамага айланиб бормоқда

Ўз мухбиримиз

Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Шомансур Аҳмедов билан бўлган навбатдаги мулоқотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган эътибор, ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестиция киритиш борасидаги имкониятлар, янги иш ўринлари яратиш, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш каби масалалар хусусида журналистларга ахборот берилди.

Айни пайтда туманда 4641 та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатаётди. Йирик корхоналар сони 14 та бўлиб, улар томонидан жорий йилнинг 9 ойида 1 млрд. 520 млн. сўмлик sanoat ва 316,9 млрд. сўмлик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

— Ўтган давр мобайнида жами 30,8 млн. долларлик инвестиция ўзлаштирилди, — деди Шомансур

Аҳмедов. — Йил давомида 61 млн. долларга тенг бўлган 122 та лойиҳани ўз муддатида тўлиқ ишга тушириш ва 1085 та иш ўрни яратиш ҳокимлик назоратида олинган. Шу кунгача 2500 та иш ўрни яратилиши мумкин бўлган 100 та лойиҳа эгалари билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Ҳозирда уларга тижорат банклари орқали кредитлар ажратиш, ишлаб чиқариш майдонлари ҳамда хон ашё етказиб бериш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилмоқда.

Экспорт салоҳиятига эга бўлган 78 та корхонада ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръатлари кузатилган. Хусусан, 2013 йилнинг 9 ойида тадбиркорлик субъектлари томонидан 61 млн. АҚШ доллари миқдоридидаги маҳсулот экспорт қилинган бўлса,

жорий йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 70,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Импорт ўрнини босувчи, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқилган маҳаллийлаштириш дастурига тумандаги 6 та корхонанинг 7 та лойиҳаси киритилган бўлиб, январь-сентябрь ойлари давомида 34,2 млрд. сўмлик маҳаллий хон ашёлар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар республикамиз аҳолисига етказиб берилди.

Учрашув давомида журналистларга туманда жойлашган кўп қаватли уйлари куз-қиш мавсумига тайёрлаш, улар атрофини тартибга келтириш, ободонлаштириш ишларининг ижроси борасида ҳам маълумот берилди.

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Тасаввур фактлардан кўра муҳимроқдир».

Альберт ЭЙНШТЕЙН.

## РЕКЛАМА ЎРНИДА



Qishloq Qurilish Bank

## Сармоялар

юртимиз ободлиги, тадбиркорлик тараққиётига хизмат қилмоқда

Мансур АСЛОНОВ,  
«XXI asr»

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Навоий филиали намунавий лойиҳадаги уй-жой қурилишини молиявий қўллаб-қувватлаётгани боис қишлоқла-

томонидан жами 120,4 миллиард сўмликдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 ноябрдаги «Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йилги Дастури тўғрисида» қарори қабул

маблағлари ажратилган бўлса, жорий йилнинг ўтган 9 ойида бу миқдор 20 млрд. 546 млн. сўмдан зиёдни ташкил этди. Энг муҳими, ушбу маблағлар эвазига 373 та янги иш ўрни яратилди.

Навоий шаҳридаги «Фаворит люкс сервис» МЧЖ раҳбари Муҳаммадали Ахтамовнинг таъкидлашича, банкдан олинган 300 млн. сўмлик имтиёзли кредит бир кеча-кундузда 1,5 тонна унни қайта ишлаб, 17 турдаги нон ва нон маҳсулотлари, 40 турдаги ширинлик ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона ишга туширишда асосий омил бўлди. Ушбу кўмак ёрдамида Германиянинг «WAXTEL» компаниясининг нон ва нон маҳсулотлари, Хитойдан эса ширинлик ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона ишга туширишда асосий омил бўлди. Ушбу кўмак ёрдамида Германиянинг «WAXTEL» компаниясининг нон ва нон маҳсулотлари, Хитойдан эса ширинлик ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий ускуна ва технологиялар харид қилиниб, «Ширин нон» новвойхонаси ва фирма савдо дўкони ишга туширилган. Ҳозир бу ерда 16 нафар ишчи, шу жумладан, 4 нафар коллеж битирувчиси меҳнат қилмоқда.

— Келгуси йили вилоятимизнинг 23 та массивида 745 та уй қуриш режалаштирилган бўлиб, айти кунда эҳтиёжманд фуқаролар рўйхати шакллантирилади, — дейди банк мутахассиси Шерали Саломов. — Бундан ташқари жамоамиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратишга ҳам мунтазам молиявий кўмак бериб келаётимиз. Масалан, 2009 йили миқдорларга барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 млрд. 827,3 миллион сўм кредит маблағлари ажратилган бўлса, жорий йилнинг ўтган 9 ойида бу миқдор 20 млрд. 546 млн. сўмдан зиёдни ташкил этди. Энг муҳими, ушбу маблағлар эвазига 373 та янги иш ўрни яратилди.

рими қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли турмуш шароити яхшиланиб бораёпти. Хусусий бизнес билан шуғулланаётган юртдошларимизга эса имтиёзли кредитлар бериш орқали суянч бўлаётди.

Истиклол шарофати билан ҳудудлар манзараси йил сайин ўзгариб бораёпти. Аввалги лойишувчи уйлар ўрнида ш а х а р л а р д а г и д а н қолишмайдиган, янги тур-рар-жой манзиллари барпо этила бошланди.

Мунтазам иссиқ ва совуқ сув, табиий газ, электр энергияси таъминоти уланган намунавий уйлар шулар жумласидандир. Филиал бошқарувчиси Хусен Амоновнинг таъкидлашича, вилоят бўйича 2009-2013 йиллар мунтазам иссиқ ва совуқ сув, табиий газ, электр энергияси таъминоти уланган намунавий уйлар шулар жумласидандир. Филиал бошқарувчиси Хусен Амоновнинг таъкидлашича, вилоят бўйича 2009-2013 йиллар мунтазам иссиқ ва совуқ сув, табиий газ, электр энергияси таъминоти уланган намунавий уйлар шулар жумласидандир.

Филиал бошқарувчиси Хусен Амоновнинг таъкидлашича, вилоят бўйича 2009-2013 йиллар мунтазам иссиқ ва совуқ сув, табиий газ, электр энергияси таъминоти уланган намунавий уйлар шулар жумласидандир.

Филиал бошқарувчиси Хусен Амоновнинг таъкидлашича, вилоят бўйича 2009-2013 йиллар мунтазам иссиқ ва совуқ сув, табиий газ, электр энергияси таъминоти уланган намунавий уйлар шулар жумласидандир.

## Биргина Янгиерда икки юз икки минг

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Сирларё филиали вилоятдаги корхоналарга хорижий ҳамкорлар топиш ҳамда юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда муносиб кўмакдош бўлиб келмоқда.

Буни Янгиер шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Кармента-Ян-Текс» кўшма корхонаси масолада ҳам кўриш мумкин. Зеро, жамғарма саъй-ҳаракати билан мазкур корхона ва Россиянинг «Ник» компанияси ўртасида умумий қиймати 240 минг АҚШ долларига тенг шартнома имзоланиб, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 202,6 минг АҚШ доллари миқдоридидаги маҳсулот экспорт қилинди.

Эътиборлиси, 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида 60 дан зиёд янги иш ўрни яратилиб, ўнлаб касб-хунар коллежи битирувчиларининг бандлиги таъминланди. Ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва сифатини яхшилаш эвазига иш ўринлари сонини 200 тага етказиш режалаштирилганлигини айтиб ўтиш лозим.

Дилора ЭСОНОВА.

## Тез мослашувчан ва яшовчан сектор

**Замонавий иқтисодиётда хусусий секторнинг улуши йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Боиси — айна шу тармоқ атрофида барча соҳалар занжир халқаларидек бир-бирига жипслаштирилиб, дунё тадбиркорлари имтиёзли солиқ тўлаш, ишлаб чиқариш, молия, маориф, бозор инфратузилмасидаги жами имтиёзлардан, умуман, ўзлари манфаатдор бўлган барча омиллardan бемалол фойдаланишлари учун имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилапти**

**Ақбар МУЗАФФАРОВ,**  
«XXI asr»

«Грундиг», «Неккерман» каби кўплаб оилавий корхоналар тарихи бунга мисол бўла олади.

Шундай бўлиши табиий. Чунки раванқ топган иқтисодиётни фақат йирик завод ва фабрикалар билангина эмас, балки кичик ва истиқболли корхоналар билан қуриш мумкинлиги аён бўлиб қолди. Бундан ташқари, жаҳон бозорида рақобат тобора таранглашиб бораётган бир пайтда йирик корхона ёки катта бизнесдан кўра тадбиркорлик субъектлари шароитга тез мослашиб, ишлаб чиқаришни катта талафотсиз ўзгартиришга эришмоқда. Агар бир пайтлар йирик корхоналар майдаларига йўл бермай келган бўлса, эндиликда кичик бизнес иқтисодиётга таъсир кўрсата бошлади.

Айниқса, сўнгги ўн йил ичида кичик бизнеснинг жаҳон иқтисодиётидаги ҳиссаси яққол кўзга ташланаётди. Жаҳоннинг нуфузли таҳлил компаниялари тақдим этаётган рақам ва далиллар ҳам буни исботлаб турибди. Хусусий секторнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши АҚШда 47 фоиздан 55 фоиз, Японияда 58 дан салкам 70 фоиз, Евроиттифоққа эъзо мамлакатларда 72 фоизга ўсгани бунинг яққол далилидир.

Лекин юқорида таъкидланганидек, хусусий сектор ўз-ўзидан ривожланмайди. У ўзи учун зарур бўлган имтиёз ва преференцияларни талаб этади. Мисол учун, Германияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш давлат дастурига мувофиқ, тадбиркорларга фаолиятнинг дастлабки икки йилида фоизсиз кредит берилади. Кейинги бир неча йилда эса жуда оз ставкаларда йиллик фоиз ундириб борилади. Шу тариқа тадбиркорлар бепул бошлангич сармоя билан таъминланади. Экспертларнинг фикрича, асосини оилавий бизнес ташкил этаётган кичик корхоналар мамлакат иқтисодиётига тиргак бўлмоқда. Германия миллий иқтисодиётнинг таркибий тузиллишини айнан ана шундай корхоналар ташкил этади. Бу ерда рўйхатга олинган ишлаб чиқариш субъектларининг 95 фоизи оилавий корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Боз устига, нафақат кичик, балки қатор йирик компаниялар ҳам давлат ва оилавий бизнес асосида фаолият бошлаганини унутмаслик зарур. Бунгунки кунда машҳур «Тиссен», «Байер», «Флик», «Сименс», «Квандит», «Опель»,

Шуниси диққатга молики, айна ушбу йўналишда мамлакатимизда эришилаётган ютуқлар ҳам дунё миқёсида тан олинди, ижобий тажриба сифатида ўрганила бошланди. Жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар кўплаб мамлакатлар томонидан эътироф этилаётгани эътиборга лойиқ. Айниқса, соҳанинг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланганлиги юқори баҳоланмоқда. Хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун бизнеснинг ушбу шаклини юритишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши оилавий тадбиркорларга кўплаб имтиёзларни яратиб берди. Жумладан, оилавий корхона иштирокчилари томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг уларнинг тасарруфига келиб тушадиган фойдага солиқ солинмайди. Айтиш жоизки, бу дунёнинг камдан-кам давлатлари тажрибасида учрайдиган ноб ўсулдир. Бундай тадбиркорлик шаклининг яратилгани оилавий даромадини ошириш бораборида мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, юртимизда кенг қўллаб-қувватланган бу борада олиб борилаётган кенг қўлмали ислохотлар натижасида биргина 2013 йилнинг ўзида 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади. Ушбу секторда фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар сони 190 мингдан ортди ва мамлакатимиз ялли ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этган эди.

«Кўҳна қитъа»нинг ишлаб чиқариши юксак тараққий этган мамлакатларида ҳам хусусий секторнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилади. Ана шундай давлатлардан бири Италиядир. Бу мамлакатда кичик корхоналар бир тармоқ ёки бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш атрофида жипслашгани билан ҳам дунёга машҳур. Уларнинг аксарияти юқори сифати ва дивайни билан ажралиб турадиган товарларни тайёрлайди. Мазкур корхоналар озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол товарларининг экспортида ҳам салмоқли ўрин тутди.



Яримтайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар, тўқимачилик ва терига ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги, қадоқлаш, ёғочни қайта ишлаш, керамика ва металлга ишлов бериш усуналари ҳамда мини-технологиялар экспорти бўйича ҳам етакчилардан ҳисобланади.

Уларнинг бундай даражага қандай қилиб эришаётгани кўпчиликини қизиқтириши табиий. Жавобни алоҳида олинган кичик корхонадан эмас, балки маълум бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган меҳнат тақсимотига эга ҳамда ягона мақсад йўлида уюшган корхоналар тизими — «кластерлар» негизидан топиш мумкин. Италияда саноат кластерлари аҳоли бандлигининг 43 фоизини таъминлаётди. Миллий экспорт ҳажмининг 30 фоиздан кўпроги ҳам шу соҳа ҳиссасига тўғри келади.

Кези келганда, кластер (французча «панжа», «гурух», «тўпланиш», «турғун» маъноларини беради) уюшмалари ўз таркибларига микро, кичик ва ўрта корхоналарни бириктириши ёки ўз атрофида суббудратчиларни уюштирган йирик корхоналардан ҳам ташкил топиши билан кичик бизнеснинг ривожига муҳим ўрин тутганини таъкидлаш жоиз. Айрим кластерлар фақат биргина ишлаб чиқариш жараёнига ихтисослашади, бошқалари эса бир-бирига туташ фаолият турлари ёки пировард натижада битта йирик тармоққа хизмат кўрсатадиган турли ишлаб чиқариш ва хизмат со-

ҳаларини ўз ичига олади. Ҳазорта бирикман бундай кичик корхоналарнинг рақобат майдонидида кураши ихтисослашув, кооперация, мослашувчилик каби тамойиллар асосида кечади. Айни пайтда Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШда ҳам бу стратегия кенг қўлланилапти. Швейцария, Австрия, Дания, Хиндистон, Жанубий Корея, Покистон, Хитой ва Туркия энгил саноатда кластерлар усулидан кенг фойдаланилапти.

Шу ўринда ҳар қандай жамиятда у ёки бу қатлам манфаатини, хоҳиш-иродаси, орзу-истакларини рўйбга чиқаришга интиладиган уюшмалар, сиёсий партиялар фаолият олиб бораётганини ҳам таъкидлаш жоиздир. Зеро, жаҳон бозорида кичик бизнеснинг улуши ортиб бораётганининг энг асосий омиллари билан ҳам шунда намоён бўлади. Улар давлатнинг қонунчилик органларига у ёки бу даражада таъсир ўтказиб, тадбиркорликка оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш йўлидан бормоқдалар.

Масалан, АҚШда Савдо палатаси тадбиркорлик субъекти олдидида биринчи даражали вазифалар хусусида ҳар йили ҳисобот тайёрлайди. Бошқа мамлакатларда эса ислохотларнинг жадаллашишига кўмаклашиш мақсадида «Мия марказлари» деб номланувчи илмий-тадқиқот муассасалари ишланшлар олиб боради. Улар одатда хусусий секторга оид қонунларнинг афзалликлари ва камчиликлари назарий

ҳижатдан ўрганиб, бу ҳақда депутатларни огоҳ этадилар.

Германиядаги Саноатчилар бирлашмаси тадбиркорларнинг қонунчилик соҳасидаги муаммоларини ечиш ва уларнинг қонун чиқарувчилар билан алоқаларида кўпроқ вазифасини ўтайди. Умуман олганда, тадбиркорларни бозор кўнжималарига ўргатиш ислохотларнинг изчиллигини таъминлаш бораборида аҳоли онгидида ишбилармонларга нисбатан ижобий фикрни шакллантиришнинг аҳамияти катта. Шу ўринда фарб олами ва собиқ коммунистик давлатларда тадбиркорликка муносабат тубдан фарқ қилганини унутмаслик керак.

АҚШ ва Европада тадбиркорга пул топа олувчи, нуфузли ишбилармон киши сифатида қарашиди. Бизнесмен даромадди касб эгаси сифатида обрў-эътибор қозонган. Бироқ айрим мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар жамиятнинг тадбиркорларга нисбатан салбий муносабати юқори бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда.

Нима бўлганда ҳам, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бутун дунё иқтисодиётини модернизация қилиш, ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг гарови бўлиб қолиши шак-шубҳасиздир. XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида юз берган молиявий-иқтисодий инқироздан кейин ҳам хусусий сектор иқтисодиётда ўз мавқеини сақлаб қолаётгани бунинг амалдаги исботидир.

## Эбола қурбонлари 5 мингга етди



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Эбола вируси натижасида ҳалок бўлганлар сони 4 минг 493 нафарга етгани, яна 9 мингга яқин киши ушбу хавфли касалликни юқтирганини маълум қилди.

Айни пайтда мутахассислар бу офатнинг илдини қуритишга қодир бўлган вакцина устида бош қотирмоқдалар. ЖССТ бош директори ёрдамчиси Брюс Эйларднинг маълум қилишича, вирусга қарши оммавий фойдаланиш мумкин бўлган вакцина 2015 йилнинг иккинчи ярмида пайдо бўлиши кўтилмоқда.

## Салкам бир тонналик ошқовоқ

АҚШнинг Калифорния штатидаги фермер 933 килограммлик ошқовоқ етиштирди. Хабарларга қараганда, улкан сабзавот Нью-Йоркдаги ботаника боғи экспонатлари қаторидан жой олади. Эътиборлиси, уни парваришлаган фермер 13348



доллар пул мукофоти билан рағбатлантирилди. Эслатиб ўтамиз, бу йўналишдаги рекорд Швейцарияда етиштирилган, 952 кг. тош босган ошқовоққа тегишлидир.

## Қидирувдан наф бўлмади



Шу ойда Ҳинд океанида қайтадан бошланган Malaysia Airlines авиаканьясини тегишли «Боинг-777» самолётини сув остидан қидириш бўйича илк уриниш самарасиз яқунлангани маълум бўлди.

Хусусан, Австралия Транспорти хавфсизлиги бюросининг маълум қилишича, Go Phoenix номли кема самолётни излашда давом этмоқда. Қидирув ишлари сунъий йўлдошдан олинган маълумотлар асосида олиб борилаётди. Ана шу мақсадда Австралия ҳукумати ўзининг учта кемасини сафарбар этган.

## Инсулин ишлаб чиқарувчи хужайралар

Гарвард университетидида ўтказилган тадқиқот қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган беморларни ҳар кунни инсулин олиш ташвишидан халос этиши айтилмоқда. Хусусан, 20 йилдан кўпроқ умрини қандли диабетни даволаш учун дори яратишга сарфлаган профессор Даг Мелтоннинг таъкидлашича, инсулин ишлаб чиқарувчи хужайраларни яратишда эмбрион тана хужайраларидан фойдаланилади. Шунинг учун ҳам янги хужайралар аввалгиларига ўхшаш бўлиб, яхши ишлаш олади.



Айни дамда бу услуб ҳайвонларда синиб кўрилмади.

## ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Ҳаммаси ҳали олдинда», дея умид қилиш, «Энди кеч, бари бефойда» дейишдан яхшироқ.

Вадим ЗВЕРЕВ.

## РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Таҳлил, таққос, таклиф

**Мамлакатимизда тадбиркорларнинг экспорт салоҳияти тобора юксалиб, улар ўз маҳсулотлари билан ташқи бозорда муносиб ўрин эгалламоқда. Бунда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.**

**Шаҳзод НАЗАРОВ,**  
«XXI asr»

Хусусан, мазкур жамғарманинг Наманган филиали маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга йўналтириш, тижорат таклифларини чет эллик ҳамкорларга етказиш орқали харидорларни излаш, экспорт қилувчиларни эҳтимовий хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, бошқа мамлакатлар қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензия ва сертификатларни олишда ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Жорий йилнинг дастлабки 9 ойи мобайнида вилоятда фаолият юритиб келаётган 60 та тадбиркорлик субъекти, жумладан, «Наманган Шарбати», «Умфор текстил пром», «Наманган

тўқимачи», «Масдар ишлаб чиқариш савдо» МЧЖ каби субъектларга хизмат кўрсатилиб, улар томонидан ишлаб чиқарилган 22,3 миллион АҚШ доллари миқдоридида маҳсулотлар Россия, Украина, Қозғоғистон ва бошқа давлатларга экспорт қилинишига кўмаклашилди.

Мисол учун, 13 та тадбиркорга ташқи бозорларни ўрганиш ва хориждан ишончли ҳамкор топишда амалий ёрдам кўрсатилган бўлса, 7 та ишбилармонга халқаро кўрғазма ва ярмаркалар, тендерларда қатнашишда рухсат берувчи хужжатлар, сертификат ва лицензиялар олишда ҳамда божхона расмийлаштирувида зарур хизматлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, худудда фаолият юритаётган 1,1 мингдан ортқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турлари доимий равишда таҳлил қилиниб, уларни экспорт қилиш имкониятлари ҳақида тегишли маълумотлар базаси шакллантирилди.

Шу йилнинг август ойида филиал томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси, Савдо-саноат палатаси ва Божхона бошқармаси ҳамкорлигида Наманган вилоятининг барча шаҳар ва туманларида 300 га яқин тадбиркорлик субъекти билан экспортни қўллаб-қувватлаш ва мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этишга доир давра суҳбатлари ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, экспортёр корхоналар учун яратилган шарт-шароитлар, қулайлик ва имтиёзлар, халқаро тендер савдолари, чет элда ўтказиладиган кўрғазма ва ярмаркалар ҳақида

мунтазам маълумотлар бериб келинмоқда. Жамғарма ва унинг ҳамкорлари кўмагида вилоятдаги 10 га яқин тадбиркор, жумладан, «Истиқлол-2000» МЧЖ, «Наманган Резина Пласт» ШК, «Маржон тола фэйз» МЧЖ каби корхоналар чет элда резина маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича бўлиб ўтаётган «Plastex Central Asia-2014» ва «Plast Eurasia Istanbul-2014» халқаро кўрғазмаларида қатнашиши режалаштирилмоқда.

Умуман, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Наманган вилоятидаги филиали томонидан экспорт корхоналарини қўллаб-қувватлаш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар уларнинг сони янада кўпайишига хизмат қилмоқда.

## РЕКЛАМА

**Ведущий производитель кровельных и гидроизоляционных материалов ТРЕТЬЕГО ПОКОЛЕНИЯ**

Гидроизол для: [www.SaxiyHamkor.uz](http://www.SaxiyHamkor.uz)

**КРЫШИ  
ФУНДАМЕНТА  
БЕТОННЫХ ШВОВ**

ГИДРОИЗОЛ НЕ ПОДВЕРЖЕН БИОЛОГИЧЕСКОМУ И ХИМИЧЕСКОМУ РАЗЛОЖЕНИЮ - ГНИЕНИЮ И КОРРОЗИИ

Тел.: + (998 93) 592-78-15  
+ (998 98) 128-09-01  
+ (998 71) 248-05-41

E-mail: [info@saxiyhamkor.uz](mailto:info@saxiyhamkor.uz)

Адрес: ул. Уста-Ширин, Алмазарский район, ориентир: круг Жамий

**Биз — XXI асрда яшаймиз!**

**Биз — XXI асрда ишлаймиз!**

**Сиз — «XXI ASR»га обуна бўлдингизми?**

Нашр индекси: 406  
Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80

